

Дўстмухаммад Хусан Усмон ўғли: «Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари» (08.00.07) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16, Тел.: 237-54-01, Факс: 237-50-11) (www.bfa.uz (Об академии//наука//специализированный совет)) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Р.Р.Хасанов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси

Оппонентлар: и.ф.д., проф. Т.С. Маликов, и.ф.н. О.Ш.Собиров

Етақчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Диссертация йўналиши: **амалий аҳамиятга молик.**

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ ҚИСҚАЧА АННОТАЦИЯСИ

I. Тадқиқотнинг мақсади: халқ таълимини молиялаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

II. Диссертация натижаларининг илмий янгилиги: 1) халқ таълими тизимининг ҳолатини баҳоловчи ва харажатларини амалга оширишда манзилли-мақсадлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Умумтаълим мактаблари харажатлар сметаларида бюджет маблағлари жон бошига нисбатан режалаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда коммунал тўловлар бўйича режалаштирилган маблағлар сметасига туман молия бўлимлари томонидан заруриятдан келиб чиқиб, ўзгартириш киритиш тавсия этилган. (Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштириш // Назария ва амалиёт. – Тошкент, 2009. – 15-25 б.);

2) халқ таълими тизимидаги харажатларни режалаштиришда куйидаги уч гуруҳдаги кўрсаткичлардан фойдаланиш таклиф этилган: а) таълим билан қамраб олинганликни (ўқувчилар контингентини) тавсифловчи кўрсаткичлар; б) таълимнинг моддий-техника базасини тавсифловчи кўрсаткичлар; в) ўз-ўзини маблағ билан таъминлашни тавсифловчи кўрсаткичлар (Дўстмухаммад Х.У. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида халқ таълимини молиявий ислоҳ этишни чуқурлаштириш // Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.301-304.);

3) марказий иссиқлик тизимида уланган аксарият умумтаълим муассасаларини табиий газ ёки бошқа арзон ёқилғи билан иситиш тизимида ўтказиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган (Дўстмухаммад Х.У. Совершенствования финансовой системы народного образования // Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса. – Ташкент, 2010. – С.140-141.);

4) халқ таълими тизими харажатларини молиялаштиришни амалга оширишда унинг манзиллигини таъминлаш мақсадида SWOT таҳлил усулидан фойдаланиш тавсия этилган. (Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълими муассасалари, ўқитувчилари фаолиятини молиялаштиришни оқилона ташкил этиш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. - № 3. – Б. 75-79.).

III. Диссертациянинг амалиётга жорий этилган натижалари ва уларнинг самарадорлиги: 1) таклиф этилган Фарғона вилояти, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида синов тарзида халқ таълими тизимини маблағ билан таъминлаш ва харажатларини амалга оширишда тизимнинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларига жалб қилинадиган бошқа пулли хизматларни ривожлантириш асосида 2010 йилда, Фарғона вилоятида 864705 минг сўм, Бухоро вилоятида 56251 минг сўм, Тошкент шаҳрида 1335963 минг сўм қўшимча маблағ топилди (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 22 апрелдаги 04-910-сонли далолатномаси);

2) Фарғона вилоятидаги марказий иссиқлик тизимида уланган 12та умумтаълим

муассасалари учун бюджетдан ажратиладиган умумий харажат 2009 йилда 123,45 млн. сўмни ташкил этган. Таклиф сифатида 12 та умумтаълим муассаси иссиқлик тизимини табиий газ, кумир ёки бошқа арзон ёқилғи билан иситиш тизимига ўтказиш натижасида 2010 йилдаги умумий харажат 102,23 млн. сўмни ташкил этди. Натижада 21,22 млн. сўм бюджетдан маблағ тежалди (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 22 апрелдаги 04-910-сонли далолатномаси).

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш раиси**

и.ф.д., проф. А.В. Вахабов

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби**

и.ф.д. Ф.И. Мирзаев

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф. Р.Р. Хасанов

Илмий даража талабгори

Х.У. Дўстмухаммад